



ХУДУДЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ РИВОЖЛАНТИРИШ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

PhD Ибодова Дилноза

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

ORCID: 0009-0008-8090-251X

nodi270604@gmail.com

Ибодова Дилсора

Richemont Limited Liability Company Dubai

ORCID: 0009-0009-7224-6724

guzelka7755@gmail.com

Аннотация. Мақолада ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига инклюзиянинг таъсири таҳлил этилган. Ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда уларни ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, мавжуд салоҳияти ва бошқа ресурсларидан (хом-ашё, меҳнат, ишлаб чиқариш) оқилона фойдаланиш ҳамда жойлаштириш асосида ўзаро ижтимоий муносабатлар очиб берилган. Инклюзив ўсиш талқини ва моҳияти, уни таъминлашда таъсир этувчи омиллар ва баҳолаш услубиёти, шунингдек, меҳмондўстлик саноатини инклюзив иқтисодий ўсишга таъсири тадқиқ этилган. Мамлакатда, хусусан Қашқадарё вилоятида инклюзив иқтисодий ўсишни ривожлантириш борасида имкониятлар таҳлил этилган. Уларни тенглик тамойилларига таянган ҳолда ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: инклюзия, инклюзив ривожланиш, инклюзив ўсиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, меҳмондўстлик саноати.

ИНКЛЮЗИВНОЕ РАЗВИТИЕ РЕГИОНОВ (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

PhD Ибодова Дилноза

Министерства экономики и финансов Республики Узбекистан

Ибодова Дилсора

Richemont Limited Liability Company Dubai

Аннотация. В статье анализируется влияние инклюзивности на темпы социально-экономического роста региона. В экономическом развитии регионов раскрываются социальные взаимоотношения, обусловленные их развитием на основе специализации, рационального использования имеющегося потенциала и других ресурсов (сырьевых, трудовых, производственных) и размещения. Исследованы определение и содержание инклюзивного роста, факторы, влияющие на его обеспечение и методология оценки, а также влияние индустрии гостеприимства на инклюзивный экономический рост. Проанализированы возможности развития инклюзивного экономического роста в стране, в частности в Кашкадарьинской области. Выдвинуты предложения по их развитию на основе принципов равенства.

Ключевые слова: инклюзия, инклюзивное развитие, инклюзивный рост, социально-экономическое развитие, индустрия гостеприимства.

INCLUSIVE DEVELOPMENT OF REGIONS (ON THE EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION)

PhD **Ibodova Dilnoza**

Ministry of Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan

Ibodova Dilsora

Richemont Limited Liability Company Dubai

Abstract. The article analyzes the impact of inclusiveness on regional socioeconomic growth. Regional economic development reveals social relationships shaped by specialization, the rational use of existing potential and other resources (raw materials, labor, production), and location. The article examines the definition and content of inclusive growth, the factors influencing its implementation, and the assessment methodology, as well as the impact of the hospitality industry on inclusive economic growth. Opportunities for developing inclusive economic growth in the country, particularly in the Kashkadarya region, are analyzed, and proposals for their development based on principles of equality are put forward.

Keywords: inclusion, inclusive development, inclusive growth, socio-economic development, hospitality industry.

Кириш.


Дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан барқарор ва инклюзив ривожланиш тушунчалари билан боғлиқ. Шу боис, ҳудудларда иқтисодиётни инклюзив ривожлантириш ва ижтимоий тенгсизликни қисқартириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифадир. Бу ўз навбатида, ҳудудлар иқтисодиётини инклюзив ривожланишини тадқиқ этиш, уларни ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, мавжуд салоҳияти ва бошқа ресурсларидан (хом-ашё, меҳнат, ишлаб чиқариш) оқилона фойдаланиш ҳамда жойлаштириш асосида ўзаро ижтимоий муносабатларни жадал ривожлантиришни талаб этади.

Бугунги кунда дунёда иккита жиҳатни кузатиш мумкин. Биринчисида, иқтисодиётда юқори ўсиш суъратлари, аҳолининг истеъмол салоҳияти ва турмуш даражасини юксалиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг яхшиланиши, ўртача умр кўриш давомийлигини ошиши, инсон ҳаётини энгиллаштирувчи замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект ривожланишини кўриш мумкин бўлади.

2020-2024 йилларда ЯИМ ҳажмининг ўртача ўсиш суръати жаҳонда 3,74 фоизни, шундан ривожланган мамлакатларда 3,14 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 4,28 фоизни ташкил этган бўлсада, таҳлил даврида ушбу кўрсаткич жаҳонда 0,3 бандга камайганлигини кузатиш мумкин (1-расм)¹.

Иккинчиси бу атроф-муҳит инқирози, турли юқумли касалликларнинг тез тарқалиши, мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, иқлим ўзгариши, бунинг натижасида юзага келадиган табиий офатлар ва умумжаҳон инқирозлар жаҳон иқтисодиётида мувозанатни бузилиши мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасида номутаносибликни келтириб чиқариши, шу билан биргаликда, жамиятда ижтимоий норозилик эҳтимолини юзага келтириши мумкин.

¹ <https://www.vsemirnyibank.org/ru/publication/global-economic-prospects>;
<https://www.imemo.ru/publications/electronic-resources/oprme>



1-расм. 2020-2027 йилларда дунёда ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари, фоизда

Ижтимоий давлат барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун иқтисодий ўсишнинг инклюзив анъаналари жуда долзарб вазифадир. Бу борада мамлакатимизда ижтимоий давлатни барпо этиш ва инклюзив иқтисодий ўсиш сиёсати, яъни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда. Сўнгги ўн йилликда мамлакатда ЯИМ ҳажмининг йиллик ўсиш суръати барқарор 6-7 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин, бу яхши кўрсаткич. Бунда, ижтимоий тенгсизликни маълум бир миқдорда қисқартириш имконияти яратилади, бироқ инклюзив иқтисодий ўсиш кузатилмаслиги мумкин. Дарҳақиқат, мамлакатда нафақат ривожланиш, балки инклюзив ўсиш керак бўлади. Бунда, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, рақобат муҳитини яратиш, инсон капиталига сармоя киритиш ва ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш таъминланади.

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган дастурларида ҳудудларнинг ихтисослашуви, рақобат устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари асосида инклюзив ривожланиш стратегиялари шаклланаётганлигини кузатиш мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан "инклюзивлик" назариясининг тадқиқ этилишига қарамасдан, бу борада турлича ёндашувлар, аниқ таърифлар ва тўхтамлар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Хусусан, Saman, Blanke, Drzeniek, Corriganлар (2017) моддий ва номоддий неъматларни тақсимлашда адолатга риоя қилиш сифатидаги "инклюзивлик" ғоясига асосланадилар. Бунда, инклюзив ўсишни бутун жамият фаровонлигини ошириш мақсадида моддий ва номоддий ресурсларни адолатли тақсимлашга қаратилган иқтисодий ўсиш деб тушунадилар.

Hasmath (2015) инклюзив ўсиш ва ривожланиш "ижтимоий иқтисодиёт"ни шакллантиришни таъминлашга қаратилганлигини назарда тутди. Бунда, аҳоли ўртасида моддий ва номоддий неъматларни тенг ҳамда адолатли тақсимлаш асосида иқтисодий ўсишни таъминлашни тушунади.

Feshari, Valibeigi (2017) инклюзив ривожланишни барқарор ривожланишга яқин тушунча сифатида қарайдилар. Бунда, инклюзив ўсишни ижтимоий тенглик, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий мувозанатли тизимни яратиш ва ривожлантиришга қаратилган иқтисодий модель сифатида белгилайдилар.

Краснокутский, Змияк, Володиналарнинг (2018) тадқиқотларида ўзига хос ёндашувни, яъни кўрсаткичлар таҳлилида ($X_{\max}/X_{\min}$) ҳисобланган коэффицентлар ўртасидаги тафовутни кўриш мумкин бўлади. Бунда, минтақани инклюзив ривожланиши борасида таҳлиллар кўп ҳолатларда мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларига мос келади.

Бизнинг фикримизча, ушбу услубиётнинг афзаллиги шундаки, бунда ҳудудлар ўртасидаги фарқни аниқлаш имкони яратилади. Бироқ, муаллифлар томонидан минтақани инклюзив ривожланишини таҳлили жараёнида тизимлаштирилган ва умумлаштирилган кўрсаткичлар мавжуд эмаслиги, улар ўртасидаги тафовутни аниқлашда ноаниқликка олиб келиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Шарафутдинов, Измаилова ва Ахметшинлар (2018) тадқиқотларида “инклюзивлик” кўрсаткичларини минтақавий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ихтисосликларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш ва таҳлил этиш таклиф этилган. Хусусан, кўрсаткич ўртача иш ҳақининг яшаш минимумига нисбати сифатида ҳисобланади. Муаллифларнинг таъкидлашларича мамлакатлар ва минтақаларда аҳолининг реал даромадлари бошқа ҳудудлар билан таққослашга имкон яратилади.

Бизнингча, ушбу кўрсаткич муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, лекин шу билан биргаликда минтақавий барқарор мутаносиб инклюзив ривожланишини тўлиқ баҳолаш имконини бермаслиги эҳтимоли мавжудлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда бир қатор етакчи халқаро ташкилотлар томонидан инклюзив иқтисодий ўсиш талқини ва моҳияти, уни таъминлашда таъсир этувчи омиллар таҳлили ва баҳолаш услубиёти борасида ҳисобот ҳамда шарҳлар тақдим этиб борилади.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТнинг Барқарор ривожланиш билим платформаси) иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини баҳолашда 9 та гуруҳдан 35 та кўрсаткични ўз ичига олган ҳисоблаш услубиётини («Framework of Inclusive Growth Indicators», 2012) таклиф этади:

- даромадлар;
- даромадлар билан боғлиқ бўлмаган;
- иқтисодий имкониятларнинг ўсиши ва кенгайиши;
- инфратузилманинг аҳамиятга эга кўрсаткичлари;
- иқтисодий имкониятлар, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан тенг фойдаланишни таъминлаш учун ижтимоий тенглик;
- инфратузилма ва коммунал хизматлардан фойдаланиш;
- гендер тенглик ва имкониятлар;
- ижтимоий кафолат тизимлари;
- самарали давлат бошқаруви ва жамоат институтлари.

Халқаро валюта фонди услубиётида иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини баҳолаш, ижтимоий ҳаракатчанлик ва аҳоли ўртасида даромадлар тақсимооти таҳлили концепциясига асосланади. Бунда, дунё мамлакатларида даромадларнинг ўртача ўсиш суръатлари ва тенгсизлик даражаси ўзгаришини тавсифловчи 5 йиллик асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни йиллар кесимида таҳлил этилади (Inclusive Growth, 2013).

Евроосиё Иқтисодий Иттифоққа аъзо давлатлар иқтисодиётининг инклюзивлигини баҳолаш услубиётида таклиф этилган инклюзив ривожланишни баҳолаш кўрсаткичлари 5 та гуруҳдан иборат 40 та кўрсаткични ўз ичига олади:

- қашшоқлик ва тенгсизлик;
- иқтисодий ўсиш ва бандлик;
- инфратузилма;
- таълим;

– ўртача умр давомийлиги ва соғлиқни сақлаш (Key Indicators for Asia and the Pacific, 2014).

Ушбу кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадларини баҳолаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиш учун ижтимоий-иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради:

Осиё Тараққиёт Банки иқтисодий ривожланишни инклюзивлик нуқтаи назардан баҳолаш учун 8 та гуруҳга бўлинган 35 та кўрсаткичдан фойдаланади (UNCTAD, 2019):

- камбағаллик ва тенгсизлик;
- иқтисодий ўсиш ва бандлик;
- инфратузилма имкониятлари;
- таълим ва соғлиқни сақлашдан фойдаланиш;
- инфратузилма ва коммунал хизматлардан фойдаланиш;
- гендер тенглик ва имкониятлар;
- ижтимоий ҳимоя тизимлари.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан иқтисодий инклюзив ўсишни 3 та асосий ёндашув бўйича ўрганади (OECD, 2014):

Биринчи ёндашув – 11 та кўрсаткичдан иборат кўп ўлчовлилик ёндашуви бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси (фаровонлиги) аниқланади. Бунда, мамлакатларда иқтисодий инклюзив ўсиш унинг ривожланиш даражаси, ижтимоий аҳволи, муайян шароитлар ва ҳолатлардан келиб чиқиб нисбий баҳоланади.

Иккинчи ёндашув – аҳоли турмуш даражасини кўп ўлчовли таққослама баҳолаш инновацион услуги билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланади.

Учинчи ёндашув – муҳим аҳамиятга эга, уй ҳўжаликлари даромадлари ва соғлиқни сақлашни ўз ичига олган баҳолаш кўрсаткичлардан иборат.

Ушбу услубиётда турмуш даражасининг *ҳозирги ҳолати* ва *келажакда эҳтимоли* билан ўлчанади. Турмуш даражасининг ҳозирги ҳолати таҳлили аҳоли ўртасида даромадларни тенг тақсимлаш ва натижаларга эришиш муддатлари асосида аниқланади. Бунда, 2 тоифага эътибор қаратилади: *моддий турмуш шароити* (даромад ва фаровонлик, иш билан таъминланганлик ва иш ҳақи, турмуш шароити), *турмуш даражаси* (соғлиқни сақлаш, таълим даражаси ва кўникмалари, ижтимоий алоқалар, давлат бошқаруви сифати, атроф-муҳит шароитлари, хавфсизлик, фаровонлик). Турмуш даражасининг келажак эҳтимоли барқарор фаровонликка эришиш учун иқтисодий, табиий, инсон омили ва ижтимоий қўйилмалар каби кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Етакчи халқаро ташкилотлар томонидан муҳим инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш кўрсаткичлари тасдиқланиши, шунингдек, улар томонидан тақлиф этилаётган услубиётлар доирасида ЯИМ ҳажмида умум иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда даромадларни тақсимлашда тенгсизликни баратараф этиш бўйича мақбуллаштириш сиёсати юритишда давлат ва жамоат институтларининг самарали фаолияти муҳим ўрин тутишини кўриш мумкин.

Бизнингча, юқорида келтирилган тадқиқлардан фарқли равишда инклюзив ривожлантиришда минтақанинг ўсиш нуқталари, ривожлантиришга тўртки бўладиган ихтисосликлари, хусусан, иқтисодиётнинг энг тез ривожланиб бораётган соҳаларидан бири туризмда ҳудуднинг иқлим шароитлари уйғунлиги билан белгиланадиган ўзига хослик, тарихий ривожланиш йўллари, миллий удум, урф-одатлари ва анъаналари, меҳмондўстлик кўринишлари ҳамда бошқа шунга ўхшаш жиҳатларга эътибор қаратиш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳудудга саёҳатда унинг тарихий ривожланиш йўллари, обидалари ва меъморчилигини томоша қилиш баробарида меҳмондўстлик анъаналари билан танишиш, шунингдек миллий таомларидан татиб кўриш энг оммабоп йўналишлардан

бири сифатида ривожланиб бормоқда. Бу борада, Испания ва Италия давлатлари илдамлаб кетган. Хусусан, 2017 йил Жаҳон туризм ташкилоти томонидан Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида ўтказилган III умумжаҳон форумида меҳмондўстлик туризмини барқарор ривожлантириш борасида фикрлар билдирилган. Бунда, меҳмондўстлик саноатни ривожлантириш, саёҳат давомида тарихий қадамжолар – анъаналар – урф-одатлар – қишлоқ хўжалиги – озиқ-овқат саноатини ривожлантириш занжирини ташкил этишда юқори салоҳиятга эгаллигига эътибор қаратилган².

“Меҳмондўстлик саноати” атамаси адабиётларда жуда кам учрашиши мумкин. Асосан туризм кластерининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида ёзиш умум қабул қилинган. Меҳмондўстлик саноатини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга меҳмондўстлик, саҳийлик ва дўстона муносабатлар замирида минтақадаги турли йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятни интеграциялашувига асос бўлиб хизмат қилади. Меҳмондўстлик ўзбек тилида меҳмонларга самимий дўстона ва эътиборлик муносабатда бўлиш, ғамхўрлик қилиш тушунилса, сайёҳлик (туризм) доимий яшаш жойидан ташқарида сайёҳлик қилиш, янги ва режалаштирилган жойлар, чекка ва олис ҳудудларга бориш ва айланиш, саёҳат қилиш билан боғлиқ. Меҳмондўстлик саноати тадбиркорликнинг меҳмонхона ва умумий овқатланиш хизмат кўрсатиш турлари билан чекланиб қолмайди, балки ижтимоий объектлар, жумладан, истироҳат боғлари, музейлар, театр ва кинотеатрлар, спорт иншоотлари ва бошқа хизмат кўрсатиш турларини қамраб олади.

Ўзбекистонда ҳам меҳмондўстлик саноатини ривожлантириш салоҳияти мавжудлиги, бунда ҳар бир ҳудуднинг урф-одатлари, анъаналари, удумлари ва миллий таомлари машҳурлигидан ҳам фойдаланиш зарурлиги, шу билан бирга, ушбу саёҳат турини инклюзив иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари сифатида киритиш муҳим саналади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мақолада муаллифларнинг Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инклюзив ёндашув борасида эътиборга молик айрим қарашлари келтирилган.

Қашқадарё ўзига хос тарихий ва маданий ўтмишга эга вилоятдир. Унда хорижлик сайёҳлар учун катта қизиқиш уйғотадиган жаҳон цивилизациясининг ноёб тарихий ёдгорликлари ҳамда ислом меросига оид 800 дан ортиқ тарихий обидалар мавжуд. Минтақанинг ҳар бир шаҳар ва тумани ўзига хос удумлари, анъаналари ва гастронмик ошхонасига эга (Ибодова, 2025).

Қадимда Жанубий Сўғд ва Жанубий Турон номларига эга бўлган ҳудуд Зарафшон ва Амударё оралиғида жойлашган. Минтақа гўзал табиати ва бой фойдали қазилмаларга эгаллиги билан ўзига кўплаб хорижий босқинчилар эътиборини тортган. Хусусан, Македониялик Искандар Зулқарнайн юриши, мўғуллар босқини, Спитамен қўзғолони, Аҳмонийлар бошқаруви ва бошқа воқеалар унинг бой тарихидан далолат беради (Ибодова, 2025).

Айниқса, Юнесконинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, Қашқадарё вилоятида ўзига хос тарихий ва маданий ўтмишга бой Шаҳрисабз шаҳри – XV аср бошларида мулки Волгадан Кавказгача, Ўрта Осиёдан Ҳиндистонгача чўзилган

² <https://www.unwto.org/archive/global/press-release/2017-05-17/2nd-unwto-report-gastronomy-tourism-sustainability-and-gastronomy>

темурийлар салтанати ва Моварауннахр давлатига асос солган Амир Темур ватани ҳисобланади.

Ўғзал ва такрорланмас табиати минтақанинг ташриф қоғози ҳисобланади. Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий ён бағирларида жойлашган, умумий ер майдони 80,9 минг гектар Ҳисор қўриқхонаси Ўзбекистондаги энг йирик қўриқхона ҳисобланади. Китоб тоғларининг ўзига хослиги, ўғзал ва ёввойи табиати, хусусан туркистон силовсини, Тянь-Шань қўнғир айиғи, Сибир тоғ эчкиси ва бошқа шу каби кам учрайдиган ҳайвонлар учрайди (Ибодова, 2025).

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида “Меҳмондўстлик саноати”ни инклюзив ривожлантиришнинг ўзагига айлантириш имкониятлари мавжуд. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларга виртуал саёҳат қилиш имкониятлари яратилади. Бу ўз навбатида, минтақада хизмат кўрсатиш соҳасининг барча турларини ва туризм соҳасида йўл бўйи инфратузилмаларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда яна бир рақобат устунлигини яратади. Шунингдек, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шаҳрисабз шаҳрига ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий туристларга қулайлик яратиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро ва ички йўллари таъмирлаш, Шаҳрисабз аэропортини модернизация қилиш асосида маҳаллий ҳамда халқаро авиақатновларни йўлга қўйиш, Шаҳрисабз туризм кластерини ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Қашқадарё вилояти республиканинг жанубий қисмида жойлашган, майдони 2856,8 минг гектар, умумий давлат чегараси 313,2 километр. Минтақадан республикани ҳудудлари билан, шунингдек бошқа қўшни ва узоқ давлатлар билан боғлайдиган ҳаво транспорти, темир ва автомобиль йўллари ўтган. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 2 та аэропорт жойлашган. Қарши шаҳар аэропортида: мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва ички рейслар; Шаҳрисабз шаҳар аэропортида: ички рейсларни амалга ошириш имкони мавжуд. Энг яқин дарё порти билан оралиғи қарийб 300 километрни ташкил этади (Термез) (Ибодова, 2025).

Минтақада ривожланган темир ва автомобиль йўллари тармоғи мавжуд. Қарши шаҳарда замонавий темир йўл станцияси мавжуд, бу ердан республиканинг асосий шаҳарлари билан боғлайдиган тезюрар поездлар ва дунёнинг кўплаб мамлакатларига поездлар қатнови йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятини Афғонистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ва бошқа қўшни давлатлар билан боғловчи темир йўл линиялари ўтган. Хусусан, вилоят темир йўллари умумий узунлиги – 494 километрни ташкил этади. Минтақанинг иқтисодий ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 2007 йилда умумий узунлиги – 223 километр Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон транзит темир йўл линиясининг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шундан 106,2 километр темир йўл линияси вилоят ҳудудидан ўтади.

Минтақадан республикани ҳудудлари, шунингдек дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан боғлайдиган магистраль ҳамда автомобиль йўл кесишмалари ўтган. Вилоятнинг ички, давлат ва халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари умумий узунлиги – 3,5 минг километрни ташкил этади. Хусусан, Туркменистон Республикаси билан – 536 километр, Тожикистон Республикаси – 478 километр, Тошкент шаҳар – 453 километр, Самарқанд – 150 километр, Бухоро – 162 километр, Навоий – 459 километр, Сурхондарё – 273 километр ва Урганч – 273 километр оралиқ масофани ташкил этади.

Минтақа аҳолиси зич жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё, Касбий денгиз акваторияси, Ҳиндистон ва ХХР давлатларига қулай кириш йўлаклари мавжуд. Бу ўз навбатида, минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини таъминлашда рақобатбардош устунликларидан бири ҳисобланади. Қашқадарё вилояти транспорт кесишмаларини Марказий Осиё

минтақавий иқтисодий ҳамкорлик мамлакатлари (МОИХМ) транспорт йўлакларига интеграцияси қуйидаги 1-жадвалда келтирилган (Ибодова, 2025).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти транспорт кесишмаларини МОИХМ транспорт йўлакларига интеграцияси, минг километр (Ибодова, 2024)

Т/р	Йўлаклар	Масофа
1.	Россия - Қозоғистон - Қирғизистон - ХХР	25,6
2.	Туркия - Азарбайжон - Туркменистон - Қозоғистон - Ўзбекистон - Тожикистон - Қирғизистон - ХХР	19,6
3.	Россия - Қозоғистон - Қирғизистон - Ўзбекистон - Тожикистон - Афғонистон - Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари	11,7
4.	ХХР - Қирғизистон - Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари	17,8
5.	Россия - Мўғулистон - ХХР	3,5
6.	ХХР - Қирғизистон - Тожикистон - Афғонистон - Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари	5,7

Бу омил минтақанинг туризм ва транзит салоҳиятини ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ҳудудлараро иқтисодий интеграция самарасидан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги келтирилган тадқиқлардан хулоса қилиш мумкинки, инклюзив ўсиш ва ривожланиш концепцияси замонавий ривожланиш назарияларни ўз ичига олади.

1. Туризмни соҳа сифатида статистик ҳисоботини юритишни йўлга қўйиш. Бунда:

Дам олиш туризми: дам олиш, пляж, кўнгил очиш;

Маърифий (маданий) туризм: диққатга сазовор жойларга саёҳат, музей ва ёдгорликларга ташриф буюриш.

Ишбилармонлик (конгресс) туризми: конференциялар, кўргазмалар, форумларга саёҳатлар.

Соғломлаштириш ва даволаниш туризми: санаторийлар ва курортларга саёҳатлар, терапевтик муолажалардан фойдаланиш.

Спорт туризми: спорт ўйнаш ва спорт тадбирларида қатнашиш.

Диний туризм (зиёрат): муқаддас жойлар, ибодатхоналар ва бошқаларни зиёрат қилиш.

Экотуризм: атроф-муҳит, табиатни ўрганиш учун саёҳатлар.

Меҳмондўстлик саноати туризми: миллий таомлар билан танишиш учун саёҳат.

Таълим туризми: билим ва кўникмаларни эгаллаш, таълим муассасаларига ташриф буюриш.

Тадбир туризми: муайян тадбирлар, фестиваллар ва байрамлар билан боғлиқ саёҳатлар.

Қишлоқ туризми (агроэкотуризм): қишлоқ жойларида дам олиш, маҳаллий халқнинг турмуш тарзи ва анъаналарини ўрганиш.

Саргузашт туризми: параплан ва шўнғиш каби хавфга асосланган фаолият.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти имкониятлари, ихтисосликлари, ўсиш нуқталари ва бошқа ривожланиш устунликларидан келиб чиқиб, инклюзив иқтисодий ривожланишнинг намунаси бўлиши мумкин.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Feshari, M., Valibeigi, M. (2017) Determinants of inclusive growth in iranian regions (sure approach in panel data) // *Regional Science Inquiry*. Т. 9. №. 1. с. 167-175.

Framework of Inclusive Growth Indicators. (2012) New York: UN, – URL: <http://www.adb.org/publications/framework-inclusivegrowth-indicators-2014-key-indicators-asia-andpacific> (дата обращения 12.10.2014).

Hasmath, R. (2015) *Inclusive growth, development and welfare policy: A critical assessment*. New York: Routledge Taylor & Francis Group, 293 с. doi:10.4324/9781315732626.

Inclusive Growth: (2013) *Measurement and Determinants*. – Washington DC: IMF, – URL: <https://www.imf.org/external/pubs/cat/longres.aspx?sk=40613.0>.

Key Indicators for Asia and the Pacific (2014): *Framework of Inclusive Growth Indicators, Special Supplement*. – Mandaluyong City, Philippines: Asian Development Bank, 2014. – RL: <http://www.adb.org/sites/default/files/publication/42813/ki2014-specialsupplement.pdf>.

OECD (2014) *Framework for Inclusive growth*. – Paris: OECD, – URL: http://www.oecd.org/mcm/IG_MCM_ENG.pdf.

Samans, R., Blanke, J., Drzeniek, M., Corrigan, G. (2017) *The Inclusive Growth and Development Report 2017*. Geneva, Switzerland: World Economic Forum // World Economic Forum. URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_Forum_IncGrwth_2017.pdf (дата обращения 9.02.2021)

UNCTAD (2019) *Inclusive growth of the Eurasian Economic Union Member States: assessments and opportunities*. This report is a joint study by the Eurasian Economic Commission (EEC) and the United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) published in partnership with Interstate Bank. Pp 15.

Ибодова Д.И. (2025) Минтақани ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида). Монография. "MIRON-ART-DESIGN" нашриёти. -178 бет.

Краснокутский П.А., Змияк С.С., Володина Н.В. (2018) Инклюзивный подход как инструмент снижения уровня дифференциации социально-экономического развития регионов (на примере регионов Южного федерального округа). *Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки*. № 4 (48). Стр. 178-187.

Шарафутдинов Р.И., Измайлова Д.О., Ахметшин Э.М. (2018) Исследование национальных ключевых показателей эффективности инклюзивного роста и развития регионов Российской Федерации. *Теоретическая и прикладная экономика*. № 3. Стр. 118-134.